

ЎЗБЕКISTON QISHLOQ XO'JALIGI

ISSN 2181-502X

№11. 2011

*Милан Ғалабага мубарак,
бободехқоним!*



ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХО՛ЖАЛИГИ

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)

Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабоп
журнал

МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги

Бош муҳаррир

Тоҳир
ДОЛИЕВ

Таҳрир хайвони

Зафар РЎЗИЕВ

Шерали НУРМАТОВ

Ҳамрой РАЗЗОҚОВ

Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

Баҳодир АБДУҚОДИРОВ

Саидкул АРАБОВ

Раҳимберди БЎРИЕВ

Фарҳод ОМОНОВ

Эркин ҚУДРАТОВ

Шамсиддин ЭСОНБОЕВ

2011 йил,
№11 Ноябрь

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун — 894
ташкilotлар учун — 895

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига	1
Т.ДОЛИЕВ. Озодлигимиз рамзи	3
Р.НАЗАРОВ. Мустақиллик йилларида селекция фанининг ривожланиши	4
Ж.АБДУЛЛАЕВ, Ф.ГАППАРОВ. Сугориш тармоқлари равонлиги — юқори ҳосилга замин	5
Ш.ТЕШАЕВ, С.ИСАЕВ. Шўр ювиш — муҳим талбир	6
М.ТОШБОЛТАЕВ, А.ҲАДЖИЕВ, А.ТЎХТАҚЎЗИЕВ, И.ТЎЛАНОВ. Техникаси сознинг — иши соз	7
Б.АЗИМОВ. Сабзавотдан эртаги маҳсулот етиштириш	8
С.МАВЛОНОВ, Ф.ИБАДУЛЛАЕВ, Б.АҲМЕДОВ. Қишлоқ — синов	9
М.ТЕШАБОЕВ. Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш — давр талаби.	10
Б.ТОШНАЗАРОВ. Моҳир чорвадор	12
Х.КАРИМОВ. Ислохотлар самара бермоқда	13
Б.МУҲАММАДИЕВ. Ер эли боқадди. «Бауржан»нинг довури	14
У.ЖУМАЕВ. Биосул — мўл ҳосилга кафолат	16
П.ГАДОЕВ. Томчилатиб сугориш: тажриба ва амалиёт	17
У.ЖУМА, Э.НАЖИМОВ. Ҳам луқмаи ҳалол, ҳам тўкинлик манбаи	18
У.АКТАМОВ, Ў.ҚАРШИЕВ. Меҳнатдан бахт топиб	19
К.ЭРГАШЕВ. Сўзи ва иши бир	20
У. ЖУМАЕВ, Ў.ҚАРШИЕВ. «Нукусагро»нинг дадил қадамлари	21
У.ЖУМАЕВ. Қорақалпоғистон: истеъдодли ёшларга катта эътибор	22
У.АКТАМ ўғли. Айдарқўлда қўй сугорган чўпонлар	24
У.АКТАМОВ, Ў. ҚАРШИЕВ. Бунёдкорлик лойиҳадан бошланади	25
Д.ЖУМАНОВ, М.ТЎХТАМЕШОВА, А.НАЗАРОВА, У.БАҲРОМОВ. Технологик омилларнинг ғўза ҳосилдорлигига таъсири	26
Г.ХОЛМУРОДОВА, Ш.НАМОЗОВ, Г.ЖУМАЕВА. Ғўзада юқори авлод конвергент дурагайлардан экологик тоза хом ашё олиш	27
Т.РАЖАБОВ, Т.РАЖАБОВ. Шўрланиш даражалари ва ҳосилдорлик	28
Р.ЮЛДАШЕВА. Эколого-географик узоқ чатиштиришдан олинган ғўза дурагайларининг ҳосилдорлиги	29
Х.НЕЪМАТОВ, Ф.ОТАМУРАДОВ, И.НЕЪМАТОВ. Сифатли уруғлик — мўл ҳосил гарови	31
С.ЭГАМБЕРДИЕВ, И.РАББИМҚУЛОВ. Зиғир етиштириш муаммолари	32
А.РУСТАМОВ, М.АМАНОВА, Д.УБНИНЯЗОВА. Топинамбур — ноёб ўсимлик ...	33
Р.НОРМАҲМАТОВ. Микронутриентлар ва озик-овқат маҳсулотларининг сифати	34
А.МЕРГАНОВ. Биологик ўғитларнинг картошка ва сабзавот ҳосилдорлигига таъсири	35
Б.МУҲАММАДИЕВ, Л.ҲАКИМОВ, О.ХЎЖАЕВ. Картошка куяси	36
А.ХАНАЗАРОВ, Ю.АКБАРОВА. Содержание подстилки под различными древесными породами	37
У.САНГИРОВА, Х.УСМОНОВ. Сув хўжалигини ривожлантиришда инвестицион фаоллик	38
С.ЭШЕВ. О расчете наносов при проектировании иригационных земляных каналов	39
А.МАМАНОВ. Сувдан фойдаланиш самарадорлигига эришишнинг муҳим омилли ...	40
М.НАСЕДЖАНОВ. Чирчиқ дарёси ҳавзаси оқава сувларидаги ифлослантирувчи моддалар мониторинги	41
Х.АРАЛОВ. Деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш: йўналиш ва истиқболлари	42
А.МУСАГАЛИЕВ. Солиқ муносабатларида ҳуқуқий маданият	43
А.БАБАДЖАНОВ. Аграр соҳани инновацион асосда ривожлантириш	44
Ғ.САМАТОВ, А.ҚОДИРОВ, А.МУРАТОВ. Қишлоқ хўжалигида инновацион усуллар	45
Н.ЗИЯВИТДИНОВА. Озиқ-овқат саноатида инновация жараёнлари	46
Д.ХАЛМИРЗАЕВА. Приоритеты активизации инвестирования в аграрном секторе	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 2007 йил 11 ян-
варда 0158-рақам билан рўйхатга
олинган.

Манзилимиз: Тошкент, 128,
Кохота кўчаси, 75-уй.
Телефон: 240-57-10.
Факс: 240-57-17.

E-mail: qxjournal@agro.uz

© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Бомаҳонага топширилди: 2011 йил
22 октябрь. Босишга рўхсат этилди:
2011 йил 23 октябрь. Қоғоз бичими
60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига
чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2.
Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма № 76.
Нусхаси 3800 дон.

«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа
бўлимида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, 14-уй.

Навбатчи муҳаррир: Х.МИРЗАЕВ
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА

СУҒОРИШ ТАРМОҚЛАРИ РАВОНЛИГИ — ЮҚОРИ ҲОСИЛГА ЗАМИН

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сув ҳўжалиги тармоғини ислоҳ қилиш, суғориладиган майдонларнинг сув таъминотини яхшилаш, мавжуд мелиоратив паркларни янгилаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Нисбатан қурғоқчилик келаётган сўнгги йилларда экин майдонлари сув таъминотини барқарорлаштириш борасида Ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганлиги туфайли юзага келаётган муаммолар тезкор ҳал қилинмоқда.

Кузда вегетация даври сарҳисоб қилиниб, келгуси йил режалари ва тадбирлари белгиланиб олинади. Сундай тадбирлардан бири суғориш каналларини, улардаги иншоот ва жиҳозларни шай ҳолатга келтиришдир. Гидротехник иншоотларда авария ҳолатларнинг олдини олиш учун техник ҳолати устидан доимий кузатувлар олиб бориш зарур. Уларнинг натижалари асосида қўшимча кузатишлар белгиланади. Кузатувлар асосида суғориш каналлари ва улардаги гидротехник иншоотларни ишла-тиш жараёнида олдиндан таъмирлаш-тиклаш ишларини режалаштириш тадбирлари тузилади.

Суғориш каналлари ва улардаги иншоотлар ва жиҳозларни ишчи ҳолатга келтириш учун қуйидаги тадбирлар бажарилиши зарур:

— лойқа-чўкиндилик ва ҳар хил ўсимликлардан тозалаш;

— каналнинг кўндаланг кесимини лойиҳавий ҳолатга келтириш ва унинг қияликлари мустаҳкамлигини ошириш;

— таъмир талаб дамбаларни тиклаш;

— гидротехник иншоотлар, сув ўлчаш нуқталар, инспектор йўллари, алоқа тармоқлар ва ёрдамчи иншоотларни таъмирлаш;

— сув олиш иншоотларини электро-механик жиҳозлар билан таъминлаш.

Ҳар қандай ирригация тармоқларида лойқа-чўкиндиликларни тозалаш муаммолар сирасига киради. Айниқса, Амударёдан сув оладиган каналларнинг кўпчилигини лойқадан тозалаш доимий равишда талаб этилади. Каналлардаги лойқа-чўкиндиликларни йўқотишнинг усуллари чўкмалар миқдорига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Йирик каналларни, зовурларни лойқа-чўкиндиликлар ва ҳар хил ўсимликлардан тозалаш механизация ёрдамида амалга оширилади. Кичик каналлардаги лойқа-чўкиндилик ва ҳар

хил ўсимликларни эса ихчам ускуналар ёки қўл кучи билан тозалаш мумкин. Баъзи ҳолларда лойқалатиб сув оқими орқали лойқа-чўкиндиликлар ўтказиб юборилади, бундай лойқалар ё далага, ё ташламага бориб қуйилади. Лойқани пастки оқимга йўналтирилгандан кўра, канал қирғоқларига ва ён-атрофдаги жойларга ташлангани маъқул. Суғориш каналларида тозалаш ишлари амалга ошириладиганда каналларнинг кўндаланг кесимини лойиҳавий ҳолатга келтириш, қияликлари мустаҳкамлигини ошириш ва лойиҳавий гидравлик ўлчамларини эътиборга олиш зарур.

Канал ёки ташлама тизимини бошқариш ва ишчи ҳолатда сақлаш мақсадида транспорт воситаларининг юриши учун албатта йўл бўлиши шарт. Йўл техник ходимлар канални кўздан кечиришлари, ишчи ҳолатда сақлашлари ва ускунадан фойдаланишлари учун қулай бўлиши зарур. Йўлнинг кенглиги техникани олиб ўтиш даражасида бўлиши керак. Кенглик машина ва ускуналарнинг ҳаракатланиши ва техник хизмат кўрсатиш учун ҳам етарли бўлиши мақсадга мувофиқдир. Тупроқ йўлларни скреперлар, бульдозерлар орқали, кичик йўллар бўлса, қўл кучи ёрдамида ишчи ҳолатга келтирилади.

Ҳар қандай гидротехник иншоотлар, жумладан улардаги жиҳозлар ишлатилгани сайин емирилиб занглайди ва эскиради. Бироқ, бу ҳолат кучайиб кетмаслиги учун уларни вақтида аниқлаш ва тузатиш доимо эътибор беришни талаб этади. Иншоотлардаги носозликлар олдини олиш, бетонларнинг емирилиши, кўтармани ювилиб кетишдан асраш ишларини пайсалга солиш зарарли оқибатларга олиб келади. Шунинг учун сув тақсимлаш иншоотларда кузги-қишги тадбирларни амалга ошириш ва уларни ишчи ҳолатда сақлаш учун қуйидиги таъмирлаш-тиклаш ишларни бажариш лозим:

— зичлагичлар текширилиб, ишдан чиққанлари алмаштирилади;

— гидропровод болтлари текширилиб, қотирилади;

— занглаган юзалар тозаланиб, зангга қарши қоплама суртилади;

— кўтариб-тушириш винтларига солидол суртилади;

— электр жиҳозлар кўздан кечирилади, электродвигател очилиб, мойланади, контактлар тозаланadi;

— редукторга мой қуйилиб, подшипниклар мойланади;

— захирадаги эҳтиёт қисмлар кўриқдан ўтказилиб, ишга яроқлилиги таъминланади.

Сув тақсимлаш иншоотларидаги барча дарвозалар таъмирлангандан сўнг, бир неча маротаба ёпилиб-очилиб иш қобилияти текшириб кўрилади.

Каналлардаги сув ўлчаш нуқталарини ишчи ҳолатга келтириш учун ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Хизмат кўприклари таъмирланиб, реперлар соланади, сув сатҳини кўрсатувчи рейкалар ишчи ҳолатга (буёқлаш, таъмирлаш) келтирилади.

Сув иншоотларини электро-механик жиҳозлар билан таъминлаш ва ирригация тармоқларини тақомиллаштириш билан боғлиқ асбоб-ускуналар асосан механик, электрик, гидравлик ва электрон воситалардан иборат. Бу ускуналарнинг кўпчилиги юқори даражада ихтисослаштирилган ва амалиёт учун жуда зарурдир. Махсус ишлатиш ва ишчи ҳолатда сақлаш масалалари одатда корхона маълумотнома ва қўлланмаларида батафсил ёритилади. Электро-механик жиҳозлардан фойдаланиш ана шу маълумотнома ва қўлланмалар асосида амалга оширган маъқул.

СИУ ҳисобидаги суғориш тармоқларининг кичик канал ва ариқларини лойқа ва бегона ўтлардан тозалаш ишларини фермерлар ва маҳаллий аҳоли ҳашар йўли билан амалга оширишлари лозим. Фермер хўжаликлари ички суғориш лотокларини мунтазам равишда назоратдан ўтказишлари ва таъмирлаш ҳамда биодренаж ёрдамида ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда қуйидаги ишларни амалга ошириши керак:

— суғориш лотокларининг таянч устунларини тартибга келтириш;

— улардан сув сизишини олдини олиш учун йўл қурилиш битуми, ипаксит суёқлиги ва бентонит қоришмаларидан ҳамда махсус герметик материаллардан фойдаланиш;

— суғориш лотокларида йиғилган чўкмалар кичик ва мўрт бўлганлиги учун қўл билан тозалаш, баъзан сув билан ювиб юбориш мумкин.

Фермер хўжалиklarининг сув олиш қулоқларидаги сувни бошқариш иншоотлари (дарготлар) ва гидростанларни таъмирлаб мавсумга шай ҳолатга келтириш ҳам суғориш мавсумида далага берилаётган сувни бошқариш ва ундан самарали фойдаланиш учун замин яратади.

Фермер хўжалиklари ўз ҳудудларида суғориш тармоқларини мавсумга тайёрлаш учун масъулдилар ва дала ичидаги барча ариқларни тозалаш ва тиклаш уларнинг зиммасига юкланади.

Бундан ташқари, суғориш восита ва анжомларини мавсумга тайёрлаш (турли қувур, насос ва бошқалар), сувга қўшиб бериладиган турли компостларни далаларга чиқариб захира тайёрлаш ҳам фермер хўжалиklари-

нинг суғориш даврида сувдан фойдаланишлари учун хизмат қилади.

Тупроқ шўрланишини, аниқроғи унинг асосий сабаби бўлган грунт сувлари сатҳини кўтарилишини маълум экинлар ёки дарахтларни етиштириш, яъни биологик дренажлар асосида ҳам ростлаш мумкин. Бизнинг шароитда етиштириладиган кўплаб дарахтлар мавжудки уларни тўғри қўллаш олиш ҳар томонлама фойда келтириши мумкин. Бунда тут, терак, тол ва жийда каби дарахтларни кўпайтириш тупроқ эрозияси олдини олиш ва ер ости грунт сувлари сатҳини ростлашга ёрдам беради.

Кузги-қишки тадбирларнинг жойларда сифатли бажарилиши келгуси йил ҳосили учун пухта замин бўлади. Суғориш тармоқларини лойқа-чўқиндилардан ва ҳар хил ўсимликлардан тозалаб қиялигининг мустаҳкамлигини ошириш сув

йўллариининг раволигига ва умуман сувдан фойдаланиш самардорлигини оширади.

Суғориш тармоқларидаги гидроиншоотларни, сув ўлчаш нуқталарни таъмирлаб, сув тақсироти тўғри амалга оширилса, суғоришга олинаётган сув миқдорини ҳам аниқ ҳисоблаш мумкин.

Юқоридаги тадбирларни ўз вақтида амалга оширилиши, келгуси йилда сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш, истеъмолчиларни сув билан тўлиқ таъминлаш имконини беради.

Ж.АБДУЛАЕВ,

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
Ирригация тизимларидан
фойдаланиш бошқармаси бош
мутахассиси*

Ф.ГАППАРОВ,

*САНИИРИ илмий ишлаб чиқариш
институтини бўлим бошлиғи т.ф.н*

ШҶР ЮВИШ — МУҶИМ ТАДБИР

Ҳозирги вақтда юртимизда суғорма деҳқончилик қилинадиган ерларнинг қарийб 49 фоизи турли, 18 фоизи кучли ва ўрта даражада шўрланган.

Шўр ювишнинг мақсади. Шўр ювиш майдонлардан барқарор юқори ҳосил олишда энг муҳим омил саналади. Шу боис айни кунларда қишлоқ хўжалик экинларидан бўшаган далаларни пешма-пеш шудгорлаш, шўрланган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини сифатли бажариш талаб этилади.

Шўр ювиш усуллари. Шўр ювиш меъёри узлуксиз равишда эмас, балки бўлиб-бўлиб берилса, тузларни ювиб кетказиш жадаллиги ортади, шунинг учун шўр ювишда, айниқса, катта меъёрлар билан бир йўла ювишда сув ҳар сафар бостирилгандан кейин танаффус қилиш керак, бу танаффуснинг давомийлиги тупроқнинг механик таркиби ва филтрация тезлигига боғлиқ: энгил тупроқларда-сув шимилганидан 2—3 кун кейин, ўртача тупроқларда 5—6 ва оғир тупроқларда эса 7—8 кундан кейин ўтказилиши лозим.

Тупроқнинг шўрланиш даражаси, сув-физик хоссалари ва майдоннинг нишаблелига қараб, шўр ювишнинг қуйидаги усуллари қўлланилиши мумкин:

1. Сувни оқизиб юбормасдан полларни сув бостириб, эгатлар бўйича ювиш.

2. Полларни бостириб, сувни бир полдан иккинчи полга ўтказмасдан ювиш.

Полларнинг катта-кичиклиги тупроқнинг сув сирими, ер юзасининг нишаблиги ва текисланганлигига қараб, 0,1 дан 0,5 гектаргача бўлиши мумкин. Шўр ювишни зовур ораси-

даги ер марказий қисмидан бошлаб, ён томондагиларга яқинлаштириб келиш, шунингдек, шўр ювиладиган пайкалнинг юқоридан бошлаб, пастки қисмида тугаллаш керак. Шўрланган дўнгликларни катта меъёр билан ювиш даркор.

Шўр ювиш учун ерларни тайёрлаш. Ҳайдалган майдонлар Т-150, Магнум тракторларида узун базали текислагич мосламаси билан икки йўналишда молаланади. Текисланган ерларда поллар олинади. Полларнинг молалаш сифати ва нишаблелига алоҳида эътибор бериш керак.

Шўр ювиш муддатлари. Тупроқ шўри икки хилда ювилади: тубдан (янги ерларни ўзлаштиришда) ва жорий ҳолатда, тупроқнинг 0-100 см қатламидаги хлор иони тупроқ вазнига нисбатан 0,01% кам бўлса у ювилмаслиги ёки жорий (енгил) ювилади. **Тупроқдаги хлор 0-100 см қатламида 0,01%, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм, Бухоро вилояти учун тупроқда тузлар миқдори 0,02%га келгунча ювилади.**

Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида шўр ювиш миқдори ва умумий сув сарфи табақалаштирилади. Бу иш оғир тупроқли ерларда февралда, энгил тупроқларда эса март ойда тугалланади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида умумий шўр ювишдаги сув сарфи меъёри юқорида келтирилган даража атрофида бўлади. Лекин шўр ювиш муддати мақбул равишда экиш пайтига яқинлаштирилади.

Шўр ювишда сув сарфи ва меъёрлари. Жиззах ва Сирдарё вилоятлари шароитида ўртача ва энгил қумоқ тупроқларда тупроқ таркибида 0,01-0,04 фоиз хлор иони бўлса, гектарига 2000-2500 м³ 1 марта, хлор 0,04-0,10 фоизгача бўлса 3500-5000 м³ 2 марта ювиш талаб этилади. Қулай шўр ювиш муддатлари октябрь-январь ойлари ҳисобланади. **Механик таркиби яхлит бўлмаган оғир тупроқларда хлор иони миқдорига мос сув сарфи 4000-5000 дан 5000-6500 м³/га баробар бўлиб, ер кўрсатилган сув миқдори билан 2-3 марта ювилади.**

Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари механик таркиби энгил тупроқларда юқорида келтирилган хлор иони миқдорига мос равишда гектарига 2000-2500, 3500-4000 м³ 1-2 марта, оғир саз тупроқлар 4000 дан 6500 м³ 2-3 марта декабрь-март ойларда ювилади.

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари механик таркиби энгил тупроқлари таркибида 0,01-0,04 фоиз хлор бўлса 2500-3000 м³ бир марта, 0,04-0,10 бўлса 3500-5000 м³ 2 марта ювилади. Ўрта ва оғир тупроқлар хлор ионига мос 5000-6000 ва 6000-7500 м³/га сув билан ювилади. **Тупроғи энгил ерлар асосан феврал-мартда, қолганлари октябрь-декабрда ювиш меъёрининг 2/3 қисми куз-қиш, 1/3 қисми баҳорда ювилади.**

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилояти ерларининг шўрини ювиш Қашқадарё вилоятига ўхшаш, бироқ оғир тупроқларни ювиш учун 7500 м³/га сув сарфланади. Шўр ювишда дарё сувини иқтисод қилиш учун зовур-коллектор сувларидан фойдаланиш мумкин.